

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВОҲИДОВ ОЙБЕК ФАРХОДЖОН ЎҒЛИ**

**ЮҚОРИ ОҚИМ ТЕЗЛИГИДА ВАКУУМ ШАРОИТИДА ИШЛАЙДИГАН  
СУВ ЎТКАЗИШ ИНШОТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2023**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
and technical sciences**

**Воҳидов Ойбек Фарходжон ўғли**

Юқори оқим тезлигида вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш  
иншоотларининг самарадорлиги ..... 3

**Воҳидов Ойбек Фарходжон угли**

Эффективность водопропускных сооружений работающих в условиях  
вакуума при больших скоростях потока ..... 23

**Vohidov Oybek Farxodjon ugli**

Efficiency of underpass facilities operating in vacuum conditions at high flow  
rates ..... 41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 44

**«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
«ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ»  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ВОҲИДОВ ОЙБЕК ФАРХОДЖОН ЎҒЛИ**

**ЮҚОРИ ОҚИМ ТЕЗЛИГИДА ВАКУУМ ШАРОИТИДА  
ИШЛАЙДИГАН СУВ ЎТКАЗИШ ИНШООТЛАРИНИНГ  
САМАРАДОРЛИГИ**

**05.09.07 – Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати**

**Тошкент – 2023**

Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Т3405-рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiame.uz](http://www.tiame.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Базаров Дилшод Райимович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Янгиев Асрор Абдихамидович</b> техника фанлари доктори, профессор <b>Худайкулов Совет Ишанкулович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент архитектура - қурилиш университети</b>

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «24» ноябр соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (+99871) 237-09-71, Факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Диссертация билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (294 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент ш, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел: (99871) 237-19-45)

Диссертация автореферати 2023 йил «06» ноябр куни тарқатилди.  
(2023 йил «06» ноябр даги № 294 рақамли реестр баённомаси).



**Т.З.Султонов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Ф.А.Гаппаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**А.М.Арифжанов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тоғ ва тоғ олди худудларда юқори оқим тезлигида ишлайдиган юқори ва ўрта напорли гидроэнергетика ва гидротехника иншоотларининг жадал қурилиши муносабати билан сув чиқариш иншоотларида оқим кинетик энергиясини интенсив равишда сўндиришга муҳим аҳамият берилмоқда. Дунё миқёсида гидроэнергетика ва гидротехника иншоотларини ишончли ишлашини таъминлайдиган, иқтисодий тежамкор ва кавитациясиз режимда ишлайдиган пастки бьеф элементларини ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда. Шунингдек анъанавий усуллар - сув урилма қудуқлари ва деворлари ёрдамида оқим кинетик энергиясини сўндириш доим ҳам муаммони ҳал қилишни таъминламайди. Шу жihatдан оқим кинетик энергиясини энергия сўндиргичлар ёрдамида қўшимча равишда тартибга солиш, юқори тезликдаги оқимнинг кинетик энергиясини сўндиришнинг энг мақбул усулларини ишлаб чиқиш, юқори оқим тезлигида вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш иншоотларининг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда юқори оқим тезлиги ва вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш иншоотларида кавитацион жараёнларни олдини олиш, кавитациянинг ривожланиш босқичи давомида энергия сўндиргичлар юзаси ва унинг тубидаги кавитация оқимидаги босим пульсацияси ўзгаришига таъсир қилишини ўрганиш буйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Олимлар томонидан олиб борилган кавитацион илмий тадқиқотлар асосида эрозияга учрамайдиган ёки эрозияга кам учрайдиган бир неча турдаги энергия сўндиргичларни ишлаб чиқилган бўлиб, унда гидродинамик юкларни кавитациянинг турли босқичларига боғлиқлик хусусиятларини аниқлашган. Бу гидроэнергетик ва гидротехник объектларнинг сув ўтказиш иншоотларида юқори оқим тезлигида турли конструкцияли энергия сўндиргичлардан фойдаланиш имконини яратган. Шу нуқтаи назардан сув ўтказиш иншоотлари соҳаларида оқим йўналиши буйича ва оқим йўналишига қарама қарши нотекистиклар юзага келадиган кавитацион жараёнлар олдини олиш буйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда гидроэнергетика ва гидротехника объектларини жадал равишда қурилиши, жумладан аҳолини ва ишлаб чиқариш соҳаларини электр энергия билан таъминлаш, қишлоқ хўжалигига кафолатланган сувни етказиб беришда гидротехника иншоотларини ишончилигини оширишга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш буйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш»<sup>1</sup> вазифалари, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, жумладан “сув ресурсларини прогнозлаштириш, унинг ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасинини шакллантириш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда шаффофлигини таъминлаш; сув хўжалиги объектларини модернизация қилиш ва ривожлантириш, йирик сув хўжалиги объектларини бошқаришни рақамли технологиялар асосида автоматлаштириш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш” вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан оқимнинг юқори тезлиги ва вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш иншоотларининг самарадорлиги ошириш ва пастки бьеф конструкцияси мустаҳкамлигини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони, 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора тадбирлари тўғрисида» ги ва 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги фармонлари, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори ҳамда ушбу йўналишга оид бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Юқори оқим тезлиги ва вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш иншоотларида кавитацион жараёнларни ўрганиш бўйича математик моделлар, ҳисоб-китобларнинг алгоритмларини, сув ўтказгичлар ва уларнинг амалиётда кавитация билан курашиш учун фойдаланиб келинаётган конструкцияларни такомиллаштиришга қаратилган кўплаб илмий тадқиқот ишлари олимлар томонидан олиб борилган. Кавитация жараёнларини гидроэнергетик ва гидротехник иншоотларига зарарли таъсири олдини олиш усуллари, мақбул конструкциялар танлаш орқали кавитация босқичларини ўрганишда олимлар Н.П.Розанов, Р.М.Разаков, Г.А.Воробьев, В.М.Семенов, Г.Н.Цедров, Ю.П.Иноземцев, Н.Н.Пашков, Т.П.Проворова С.М.Слиский, И.С.Новикова, А.Г.Журавлев, А.Т.Ниеткалиев, А.В.Ефимовлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишларида кўриб чиқилган ва амалиётга тадбиқ қилинган.

Оқим энергиясини сўндириш ва кавитацион эрозияни олдини олиш бўйича турли конструкцияга эга бўлган энергия сўндиргичлар, сув урилма девори, гидродинамик зўриқишлар таъсирида эрозияга қарши курашиш

ҳамда қоплама материаллар сифатини яхшилаш, аэрация қувурларини қўллаш борасида Ўзбекистонлик олимлар Файзуллаев Ж.Ф., Латипов К.Ш., Базаров Д.Р., Янгиев А.А., Обидов Б.М., Худайкулов С.И., Усмонова Н.А., ва бошқаларнинг илмий - тадқиқот ишларида келтирилган.

Ҳозирги вақтда юқори напорли сув ўтказиш иншоотларида кавитацион жараёнларини олдини олишга қаратилган такомиллаштирилган схемалар ва алоҳида конструктив ечимларни қабул қилиш, уларни гидравлик асослаш усулларини такомиллаштириш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли, юқори напорли сув ўтказиш иншоотлари нотекис соҳаларида юзага келадиган кавитацион жараёнларни олдини олиш, улардаги оқим тезлигини чегаравий қийматини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети режасининг 17/2021-сонли «Республикадаги йирик гидроэнергетик объектлар, йирик ва ўрта насос станцияларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ресурс-тежамкор технологияларни тадбиқ қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш» (2021-2022 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот иши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юқори напорли сув ўтказиш иншоотларига кавитация жараёнининг таъсирини баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юқори напорли сув ўтказиш иншоотлари соҳасида юзага келадиган кавитацион жараёнларнинг таҳлили;

юқори напорли сув ўтказиш иншоотларидаги нотекисликларни инобатга олиб, кавитациянинг ривожланиш босқичларини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш;

экспериментал ва дала тадқиқотлари асосида юқори напорли сув ўтказиш иншооти соҳаларида кавитация жараёни ривожланиш босқичларини инобатга олиб, оқим тезлигининг чегаравий қийматини ҳисоблаш усулини ишлаб чиқиш;

юқори напорли сув ўтказиш иншоотларининг шакли ўзгаришини инобатга олиб, кавитация жараёнини ифодаловчи икки ўлчамли математик моделни такомиллаштириш;

юқори напорли сув ўтказиш иншооти кавитация жадаллашган нотекис соҳаларида кавитация жараёнининг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга тадбиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншооти оқим тракти ва иншоотдаги нотекисликлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** юқори напорли сув ўтказиш иншоотларидаги кавитацион жараёнлар, кавитация босқичларини гидродинамик таъсири қонунияти ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида экспериментал, дала-кузатув ва лаборатория усуллари ҳамда гидравликада умумий қабул

қилинган услублар, гидродинамика қонунлари асосида математик моделлар тузиш ва уларни соний ҳисоблаш усулларидадан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юқори напорли сув ўтказиш иншоотларида қувур кескин кенгайишини инобатга олиб, кавитациянинг ривожланиш босқичларини ҳисоблаш усули такомиллаштирилган;

юқори напорли сув ўтказиш иншоотларида кавитация даражаларини инобатга олиб, оқим тезлигини чегаравий қийматини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

юқори напорли сув ўтказиш иншоотларининг шакли ўзгаришини инобатга олиб, кавитация жараёнини ифодаловчи икки ўлчамли математик модель такомиллаштирилган;

ANSYS Fluent дастури асосида сув ўтказиш иншоотида оқимнинг уярмавий ҳаракати натижасида кавитацион эрозия содир бўлаётган соҳасини башорат қилиш усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сув ўтказиш иншооти соҳаларидаги нотекикликларни кавитация жараёнига таъсирини аниқлаш имконияти яратилган;

олинган натижалар ва боғланишлар турли ўлчамдаги нотекикликлар натижасида кавитация ривожланиш босқичларини ҳисоблаш имконини беради;

олинган натижалар сув ўтказиш иншоотидан чиқаётган оқимнинг оқимнинг асосий параметрларини ҳисоблаш, мустаҳкамлаш элементларининг турғунлигини баҳолаш, сув оқими ва напори ўртасидаги ўртасидаги график боғлиқликларни олиш имконини беради;

кавитациянинг ривожланиш босқичларини ҳисоблаш усули, ҳамда кавитация жараёнини ифодаловчи математик модель Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншоотида кавитацион жараёнларни бартараф қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги умумий қабул қилинган тадқиқот усуллари ҳамда олинган назарий натижаларнинг амалий маълумотларда тасдиқланганлиги, тажриба натижаларини ушбу тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан таққосланганлиги ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори напорли сув омборлари ва гидроэлектростанциялар сув ўтказиш иншоотлари соҳаларига кавитацион жараёнларни шаклланиши ва босқичлари, таъсирини аниқлаш ва уларни бартараф этиш орқали гидротехник иншоотларни куриш ва улардан фойдаланишда уларнинг ишончлилигини ошириш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юқори напорли сув омборлари ва гидроэлектростанциялар сув ўтказиш иншоотларида кавитациянинг турли босқичларини ҳисобга олган ҳолда, уларга конструктив

ечим бериш орқали, узоқ ва ишончли ишлаши орқали қурилиш ҳаражатларини камайтириш билан иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори напорли сув чиқариш иншоотлари соҳаларида оқимнинг юқори тезлигида вужудга келадиган кавитацион таъсирини баҳолаш усули асосида:

юқори напорли сув ўтказиш иншоотлари соҳаларида юзага келадиган кавитацион жараёнларни бартараф ва улардаги гидродинамик зўриқишларни ҳисоблашнинг такомиллаштирилган усули “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфига қирувчи “Тўполанг ГЭС” унитар корхонасига қарашли Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншоотларига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 декабрдаги 03/26-2670-сон маълумотномаси). Натижада Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншооти ишончлилигини ошириш имконияти яратилган;

экспериментал ва дала тадқиқотлари асосида Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншооти соҳалари учун кавитация жараёнини ривожланиш босқичлари аниқлаш усуллари “Ўзбекгидроэнерго” АЖ тасарруфига қирувчи “Тўполанг ГЭС” унитар корхонасига қарашли Тўполанг сув омбори санитар сув ташлаш иншоотларига жорий этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 декабрдаги 03/26-2670-сон маълумотномаси). Натижада, сув ўтказиш иншоотининг нотекис соҳаларида кавитацион жараёнларнинг олдини олиш имконияти яратилган;

юқори напорли сув ўтказиш иншоотларидаги мавжуд нотекисликларни камайтириш ҳамда иншоотнинг вакуум соҳасида ҳосил бўладиган оқимнинг уюрмавий ҳаракатини баратараф этишнинг гидравлик ва Ansys дастури ёрдамида ҳисоблаш усули гидротехник иншоотларни лойиҳалаштиришда мавжуд ҳисоблаш услублари қаторида фойдаланиш учун “Ўзсувлойиҳа” Аксиядорик жамиятида амалиётга татбиқ этилган (Сув хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 6 декабрдаги 03/26-2670-сон маълумотномаси). Натижада, кавитацион жараёнларнинг жадаллигини аниқлаш усули сув ўтказиш иншоотидаги оқим ҳаракат йўналишини инобатга олган ҳолда такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди ва маъқулланди.

**Тадқиқот натижаларини эълон қилиниши.** Тадқиқот мавзуси бўйича 18 та илмий мақола чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий журналларда 5 та, жумладан 3 та Республика ва 10 та халқаро хорижий журналларда Scopus рейтинги базасига қирувчи нашриётларда.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида Ўзбекистон Республикаси ва жаҳонда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертация тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Юқори напорли сув ўтказиш иншоотларидаги кавитацион жараёнлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида хориж ва республикамиздаги юқори напорли сув ўтказиш иншоотларидаги кавитацион жараёнлар таҳлили, кавитацион жараёнларни ривожланиш босқичлари, сув ўтказиш иншоотлари соҳаларидаги нотекикликларнинг босим ва тезлик ўзгаришига таъсири, юқори напорли сув ўтказиш иншоотларидаги нотекикликлар натижасида юзага келадиган кавитацион эрозияга қарши курашиш усулларига доир тадқиқотлар таҳлили келтирилган.

Кавитациянинг гидротехник иншоотларга кенг миқёсли таъсирини ўрганиш йўналишлари бўйича математик моделлар, алгоритмлар ва ҳисоблаш алгоритмларини, юқори напорли сув ўтказиш иншоотлари ва уларнинг амалиётда кавитация билан курашиш учун фойдаланиб келинаётган элементларини ҳамда конструкцияларини ўрганишга катта эътибор берилган. Кавитациянинг юқори напорли сув ўтказиш иншоотларига зарарли таъсирини ва унга қарши курашиш усуллари аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари Н.П.Розанов, Р.М.Разаков, Г.А.Воробьев, В.М.Семенов, Г.Н.Цедров, Ю.П.Иноземцев, Н.Н.Пашков, Т.П.Проворова С.М.Слисский, И.С.Новикова, А.Г.Журавлев, А.Т.Ниеткалиев, А.В.Ефимов ва бошқалар томонидан олиб борилган.


Оқим энергиясини сўндириш ва кавитацион эрозиянинг олдини олиш бўйича турли конструкцияга эга бўлган энергия сўндиргичлар, сув урилма девори, гидродинамик зўриқишлар таъсирида эрозияга қарши курашиш ҳамда қоплама материаллар сифатини яхшилаш, аэрация қувурларини қўллаш борасида Ўзбекистонлик олимлар Файзуллаев Ж.Ф., Латипов К.Ш., Базаров Д.Р., Янгиев А.А., Обидов Б.М., Худайкулов С.И., Усмонова Н.А., ва бошқа бир қанча олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Биринчи бобдаги таҳлиллардан келиб чиқиб, гидротехника иншоотларининг пастки бьефидаги оқим тезлигининг кескин ошиши ва гидродинамик босимнинг пасайиши натижасида рўй берадиган кавитация жараёни ва унинг олдини олиш бўйича хулосалар келтирилган. Ушбу тадқиқот таҳлиллари асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Сув ўтказиш иншоотларида кавитацион жараёнларни ўрганиш бўйича дала тадқиқотлари» деб номланиб, тадқиқот объектида олиб борилган изланишлар, тадқиқотларда фойдаланилган усуллар, тўпланган маълумотлар таҳлили, тадқиқот объектидаги мавжуд муаммолар ва сув ўтказиш иншооти бўшлиқлари учун гидравлик ҳисобларга бағишланган.

Тадқиқотнинг дастлабки босқичида Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншоотининг лойиҳавий маълумотлари ва ҳозирги ҳолати баҳоланган. Бунга кўра, иншоотнинг ҳозирги иш шароитидан келиб чиқиб, ундаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган.

Тўполанг сув омбори сув ўтказиш иншоотларида олиб борилган дала тадқиқотларида асосий ва санитар сув ўтказиш иншоотларида кавитация жараёни кузатилаётгани аниқланди. Сув омборида кўп йиллар давомида қурилиш ишлари олиб борилиб, унинг ҳажми ошириб борилмоқда. Сув омбори ҳажми ошиши билан сув ўтказиш иншоотларидан максимал ва доимий фойдаланишга тўғри келади. Бу асосий сув ўтказиш иншооти энергия сўндиручи камераларида кавитацион эрозияни келтириб чиқармоқда. Сув ўтказиш сарфи  $6,8 \text{ м}^3/\text{с}$  бўлиб, фавкулотда вазиятларда  $120 \text{ м}^3/\text{с}$  гача сувни ўтказишга мўлжалланган.



**1-расм. Санитар сув ўтказиш иншоотида қаралаётган соҳанинг бўйлама қирқими: а – пастки ва б – юқори кавитацион эрозия соҳаси.**

Тўполанг сув омборини санитар сув ўтказиш иншоотини затворлар камераси жойлашган ПК4+51 дан ПК4+96,67 гача бўлган қисмида дала тадқиқотлари олиб борилган, чунки ушбу соҳада сув ўтказиш иншооти сирти қисмларида кескин ўзгаришлар ва ўрнатилган ясси затворлар ҳисобига рўй берган кўплаб нотекистиклар мавжуд.

Иншоот бўйлама қирқими ва кавитацион эрозияга учраган қисми 1-расмда кўрсатилган. Кавитация жараёнини баҳолаш кескин  $90^\circ$  га кенгайган пастки (а) ва юқори (б) қисми учун ўтказилди.

Ҳисоблаш ишларини қуйидаги кўринишда олиб борилди.  
кескин кенгайишда пастки (а) соҳа учун:

Қаралаётган соҳада оқимнинг ўртача тезлиги  $33,08 \text{ м/с}$ , солиштирма сув сарфи  $27,27 \text{ м}^2/\text{с}$  ни ташкил қилади. Санитар сув ўтказиш иншоотининг

максимал сув сарфи  $60 \text{ м}^3/\text{с}$ , қаралаётган кесимдаги қувурнинг кенглиги  $2,2 \text{ м}$ , сув сатҳидан қаралаётган кесимдаги сатҳлар фарқи  $y = 960 - 824 = 107,6$  метрга тенг деб қабул қилинди.

Оқимнинг динамик тезлиги қуйидагича аниқланди:

$$u_* = 0,5 \cdot v_\infty \sqrt{C'_f} = 0,99 \text{ м/с}, \text{ бу ерда: } C'_f = f \left( \frac{S}{\Delta} \right) - \text{қаршилик коэффициенти.}$$

Оқимнинг характерли тезлиги:  $v_{\text{хар}} = u_* \left( 5,75 \cdot \lg \frac{z_1}{\Delta} + 8,5 \right) = 20,51 \text{ м/с}$ .

Оқим чуқурлиги  $0,82 \text{ м}$ . Босимнинг характерли қиймати:  $H_{\text{хар}} = h + H_a = 9,87 \text{ м}$ .

Кавитация босқичи:  $K = \frac{H_{\text{хар}} - H_{\text{нас}}}{v_{\text{хар}}^2 / 2g} = \frac{9,87 - 0,24}{20,51^2 / 2 \cdot 9,81} = 0,45$  га тенг. Нисбий

кавитация босқичи:  $\sigma = \frac{K}{K_{\text{кр}}} = \frac{0,45}{2,08} = 0,22$ .  $K_{\text{кр}} = 2,08$ .

кескин кенгайишда юқори (б) соҳа учун:

Оқимнинг характерли тезлиги  $22,77 \text{ м/с}$ ,  $H_{\text{хар}} = 9,87 \text{ м}$ ,  $K = 0,36$ ,  $\sigma = 0,17$ .

Юқоридаги кавитацион ҳисоб натижалари шуни кўрсатдики, қаралаётган (а) соҳада нисбий кавитация босқичи  $\sigma = 0,22$  га тенг бўлиб, бу кавитациянинг жадаллашган ҳолати ҳисобланади. (б) соҳада нисбий кавитация босқичи  $\sigma = 0,17$  га тенг бўлиб, бу қисмда суперкавитация жараёни кузатилмоқда. Кўплаб тадқиқотлардан маълумки, сув оқимининг ўртача тезлиги  $18-30 \text{ м/с}$  бўлганда кавитациянинг жадаллашган босқичларида  $K/K_{\text{кр}} = 0,2 \div 0,6$  иншоот элементларига жиддий зарар етади.

Диссертация ишининг учинчи боби «**Юқори напорли сув чиқариш иншоотларида кавитацион жараёнларнинг жадаллигини баҳолашда экспериментал тадқиқотлар**» деб номланиб, танланган объектнинг кавитация жараёни юз бераётган қисмида экспериментал тадқиқот ўтказилди. Лаборатория қурилмасининг тузилиши, кавитацион жараёнларни жадаллигини баҳолашда экспериментал тадқиқот натижалари келтирилган.

Иншоотдаги оқимни моделлаштириш Фруд ва Рейнольдс ўхшашлик меъзонларига бир вақтда риоя қилинган ҳолда амалга оширилди.

Моделлаштиришда Фруд критерийси қабул қилинди:

$$Fr = \frac{v^2}{gh} = idem, \quad (1)$$

бу ерда:  $v, h$  – оқимнинг ўртача тезлиги ва чуқурлиги;  $g$  – эркин тушиш тезланиши.

Оқим сарфи ва тезлигини қуйидаги формулалар орқали моделлаштирилади:

$$Q_M = \frac{Q_H}{M^{5/2}}, \quad (2)$$

$$v_M = \frac{v_H}{M^{0,5}}, \quad (3)$$

бу ерда:  $Q_m, \vartheta_m$  ва  $Q_n, \vartheta_n$  – моделда ва дала шароитида оқим сарфи ва оқим тезлиги,  $M$  – моделнинг масштаби.

Шу билан бир қаторда ўрганилаётган ҳодисаларнинг автомоделлиги кузатилди, яъни қуйидаги шартлар бажарилди:

$$Re_m > Re_{m.кр}, \quad (4)$$

(1:50) масштабдаги моделдаги Рейнольдс сони қиймати қуйидагича аниқланди:

$$Re_m = \frac{\vartheta_m \cdot h_m}{\nu}, \quad (5)$$

Кавитация ҳодисасини тахминий ўхшашлигини кузатиш учун қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$K_n = \eta K_m, \quad (6)$$

бу ерда:  $K_n$  ва  $K_m$  – дала ва лаборатория тадқиқотлари учун кавитация сони;  $\eta$  – модель масштаби учун тузатиш коэффициентини (модель масштаби ва Рейнольдс сонини ( $Re_m > 10^5 \div 10^6$ ) ҳисобга олган ҳолда  $\eta = 1,0$ )га тенг деб қабул қилинди.

Қуйидаги шарт бажарилганда кавитация жараёни юз бермайди:

$$K > K_{кр}, \quad (7)$$

Кавитация сони одатда қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:


$$K = \frac{H_{хар} - H_{буф}}{v_{хар}^2 / 2g}, \quad (8)$$

бу ерда:  $H_{хар} = H_a + h$  ( $H_a$  – қурилмадаги сув сатҳи устидаги босим, дала тадқиқотида атмосфера босимига тенг, м.с. уст.);  $h$  – нотекистик устидаги сув баландлиги, м.с.уст;  $v_{хар}$  – қаралаётган соҳада сув оқимининг ҳарактерли тезлиги, м/с;  $g$  – эркин тушиш тезланиши,  $g = 9,81$  м/с<sup>2</sup>;  $H_{буф}$  – сув буғининг босимини тоза сув учун қабул қиламиз, м.с.уст.

Лаборатория тадқиқотларида вакуумни бошқариш орқали кавитациянинг турли босқичлари кузатилди. Лаборатория тадқиқотлари натижаларини олишда ҳисоблаш ишлари кинематик ўхшашлик қонуни асосида олиб борилди. Модель учун сув оқими сарфи 2,5-3,4 л/с ни ташкил этди, бу эса ҳолда равишда санитар сув чиқариш иншооти сув сарфи 45 ... 60 м<sup>3</sup>/с га тенг бўлди (модель масштаби 1:50).


Экспериментал тадқиқотлар ўтказилишида кавитация стенди Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Миллий тадқиқот университетининг “Насос станциялари ва гидроэлектростанциялар” кафедраси ўқув ва илмий лабораториясида қурилган бўлиб, герметик лотокдан иборат. Унинг кенглиги 35 см, узунлиги 60 см, бўйи 40 см бўлиб, сув резеуарига уланган. 2-расмда 1 – марказдан қочма  $K$  турдаги насос, 2 – сўриш қувури, 3 – напорли қувур, 4 - резервуар, 5 – вакуум насос, 6, 7, 8, 9 – задвижкалар, 10 – вал, 11 – герметик ёпиқ лоток, 12, 13 – вакуумметрлар, 14 – электродвигатель, 15 – манометр, 16 – вакуум

насосга уланган кичик резервуар, 17 – кичик резервуарни сувдан бўшатиш учун кран, 18 – герметик лотокни сувдан бўшатиш учун кран.



**2-расм. Кавитация стендининг схемаси ва расми.**

Кавитацион ҳисоблар шуни кўрсатдики, санитар сув чиқариш иншооти кескин пастга ва юқорига  $90^\circ$  га кенгайган қисмида кавитациянинг ривожланган ҳолати рўй бермоқда. Бу муаммони бартараф этиш учун пастки ва юқори қисмини кенгайиб борувчи қилиб лойиҳалаш ташкил этилди (3 а, б расмлар).




**3-расм. Санитар сув ўтказиш иншоотини кавитация юз бераётган қисми. а – ҳозирги ҳолати; б – таклиф этилаётган кенгаювчи қувур схемаси**


Кавитациянинг критик параметри  $K_{кр}$  нинг камайиб боришида кавитация сони  $K$  ошиб боради. 3-расмдаги схемадан ва ушбу ҳолат учун кавитациянинг критик параметрини аниқлаш формуласи  $K_{кр} = 0,466\sqrt[3]{\alpha}$  дан кўриниб турубдики, бу кўрсаткич қувурнинг кенгайиш пастки бурчаклари  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  га боғлиқ.

Лаборатория қурилмасидаги герметик ёпиқ лотокнинг узунлиги 60 см, лоток узунлиги бўйлаб ҳар 10 см масофада қувурнинг кенгайиш пастки  $\alpha_1$  ва юқоридаги  $\alpha_2$  бурчакларини ўзгартириш ҳисобига, кавитациянинг критик

параметри қийматларини аниқлаб, қувурнинг кенгайиш бурчагига функционал боғлиқлиги графиги қурилди (4 а, б расмлар).



а – пастки соҳа учун



б – юқори соҳа учун

**4-расм. Кавитациянинг критик параметрини қувурнинг кенгайиш бурчагига функционал боғлиқлиги.**

Санитар сув ўтказиш иншоотининг иккита қувурга ажралган қисми кескин кенгайган қисмидан 7,6 м масофада бирлашиб кетади. Демак, ушбу масофагача қувурни бир текисда кенгайтириб бориш мумкин. Ушбу берилган масофада пастки ва юқори соҳа учун  $\alpha_1$  ва  $\alpha_2$  кенгайиш бурчакларни аниқлаймиз.

Қувурни пастки соҳасининг кенгайиши учун  $\tan \alpha_1 = 0,05$ ,  $\alpha_1 = 4^\circ$ . Қувурни юқори соҳасининг кенгайиши учун  $\tan \alpha_2 = 0,13$ ,  $\alpha_2 = 8^\circ$ . Пастки соҳа учун кавитация параметри  $K_{кр} = 0,74$ , нисбий кавитация босқичи:

$$\sigma_{п} = \frac{K_{п}}{K_{кр}} = \frac{0,45}{0,74} = 0,61 \text{ га тенг. Юқори соҳа учун кавитация параметри}$$

$$K_{кр} = 0,466 \sqrt[3]{\alpha_2} = 0,466 \cdot \sqrt[3]{8^\circ} = 0,93, \text{ нисбий кавитация босқичи:}$$

$$\sigma_{ю} = \frac{K_{ю}}{K_{кр}} = \frac{0,36}{0,93} = 0,39 \text{ га тенг.}$$

Дала тадқиқотларида нисбий кавитация босқичи пастки соҳа учун  $\sigma_{п} = 0,22$  ва юқори соҳа учун  $\sigma_{ю} = 0,17$  га тенглиги, лаборатория тадқиқотларида эса мос равишда кенгайиб боровчи қувурда  $\sigma_{п} = 0,61$  ва  $\sigma_{ю} = 0,39$  бўлиши аниқланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кавитацияни нисбий босқичи пастки соҳа учун 2,8 марта, юқори соҳа учун эса 2,3 марта камаяди. Лекин кавитация тўлиқ бартараф этилмади, чунки санитар сув ўтказиш иншоотини ушбу қисмида оқим тезлиги юқоридир. Демак, оқим тезлигига ҳам чегаравий қиймат белгиланса иншоот ишончли кавитациясиз режимда ишлаши мумкин.

Диссертациянинг «Юқори оқим тезлигида вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш иншоотларининг самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобида юқори напорли сув оқимининг икки ўлчамли гидродинамика тенгламаларига асосланган математик модель ва унинг

кўлланилиш соҳалари, Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншооти соҳасида оқим хусусиятларини дастурий таъминот ёрдамида ўрганиш натижаларига бағишланган.

Юқори напорли сув ўтказиш иншоотидаги оқимнинг ҳаракатини моделлаштириш учун (ташки кучлар ҳисобга олинмаганда) Навье-Стокс тенгламаларидан фойдаланилди. Ўлчовчиз параметр Рейнольдс  $Re$  қийматини аниқлаб, оқим ҳаракати аниқланди.

$$Re = \frac{\vartheta \cdot h}{\nu} \quad (9)$$

бу ерда:  $\vartheta$  – киришдаги оқимнинг тезлиги, м/с;  $h$  – оқим ҳаракатланаётган кесимнинг характерли ўлчами, м;  $\nu$  – кинематик ёпишқоқлиги коэффициентини, м<sup>2</sup>/с.

Кириш параметрлари учун Рейнольдс сонининг қиймати  $10^7$  ни ташкил этади, бу турбулент оқим мавжудлигини кўрсатади.

Навье-Стокс тенгламаларини куйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{cases} \operatorname{div} \vec{V} = 0 \\ \frac{\partial \vec{V}}{\partial t} + (\vec{V} \cdot \vec{\nabla}) \vec{V} = \frac{\mu}{\rho} \nabla^2 \vec{V} - \frac{1}{\rho} \operatorname{grad} p \end{cases} \quad (10)$$

Турбулент оқимларда Рейнольдс-Ўртача Навье-Стокс тенгламалари (бундан кейин RANS, Reynolds-Averaged Navier-Stokes тенгламалари) ечилади. Ўртача ҳисоблашнинг моҳияти оқимнинг ҳақиқий (оний) параметрларини куйидаги шаклда кўринишидир:

$$u = \bar{u} \pm u' \quad (11)$$

бу ерда:  $\bar{u}$  – ўртача  $T$  давр учун ҳисобланган қиймат;  $u'$  – пульсация қиймати.

$$\bar{u}(x, y, z, t) = \frac{1}{T} \int_{t-\frac{T}{2}}^{t+\frac{T}{2}} u(x, y, z, \tau) d\tau \quad (12)$$

Ушбу ҳолатда Рейнольдс-Ўртача Навье-Стокс тенгламалари куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} \operatorname{div} \bar{\bar{V}} = 0 \\ \frac{\partial \bar{\bar{V}}}{\partial t} + (\bar{\bar{V}} \cdot \vec{\nabla}) \bar{\bar{V}} = \frac{\mu}{\rho} \nabla^2 \bar{\bar{V}} - \frac{1}{\rho} \operatorname{grad} \bar{p} + \operatorname{Div}(\Pi) \\ \Pi_{ij} = -\overline{u'_i u'_j} \end{cases} \quad (13)$$

13 тенгламани ечиш учун  $\Pi$  тензорининг таркибий қисмларини аниқлаш керак. Хусусан, ушбу ишда Буссинеск гипотезасига асосан  $\Pi$  тензорини турбулент ёпишқоқлик  $\mu_t$  орқали аниқланади:

$$P_{ij} = \frac{2\mu_t}{\rho} \left( \overline{S_{ij}} - \frac{1}{3} \overline{S_{kk}} \delta_{ij} \right), \quad \overline{S_{ij}} = \frac{1}{2} \left( \frac{\partial v_i}{\partial x_j} + \frac{\partial v_j}{\partial x_i} \right) \quad (14)$$

Турбулент ёпишқокликни аниқлаш учун турбулентлик моделлари қўлланилади. Ушбу илмий ишда k- $\omega$  SST турбулентлик моделидан фойдаланилган бўлиб, уни қуйидагича ёзиш мумкин.

$$\left\{ \begin{array}{l} \frac{\mu_t}{\rho} \equiv \nu_t = \frac{\alpha_1 k}{\max(\alpha_1 \omega, \Omega F_2)} \\ \frac{\partial k}{\partial t} + (\overline{\vec{V}} \cdot \overline{\vec{\nabla}}) \cdot k = \nabla \cdot [(v + \sigma_k \nu_t) \nabla k] + P_k - \beta^* \omega k \\ \frac{\partial \omega}{\partial t} + (\overline{\vec{V}} \cdot \overline{\vec{\nabla}}) \cdot \omega = \\ = \nabla \cdot [(v + \sigma_\omega \nu_t) \nabla \omega] + \frac{\gamma}{\nu_t} P_k - \beta \omega^2 + (1 - F_1) \frac{2\sigma_\omega \omega}{\omega} (\nabla k) \cdot (\nabla \omega) \end{array} \right. \quad (15)$$

Турбулентлик моделини тўлдирувчи коэффициентлар қуйидагича:

$$F_1 = \tanh \left( \left\{ \min \left[ \max \left( \frac{2\sqrt{k}}{\beta^* \omega y}, \frac{500\nu}{y^2 \omega} \right), \frac{4\sigma_\omega k}{CD_{k\omega} y^2} \right] \right\}^4 \right)$$

$$F_2 = \tanh \left[ \left( \max \left( \frac{2\sqrt{k}}{\beta^* \omega y}, \frac{500\nu}{y^2 \omega} \right) \right)^2 \right]; \quad P_k = \min \left( \tau_{ij} \frac{\partial u_i}{\partial x_j}, 10\beta^* k \omega \right)$$

$$CD_{k\omega} = \max \left( \frac{2\rho\sigma_\omega}{\omega} (\nabla k) \cdot (\nabla \omega), 10^{-10} \right) \quad (16)$$

Модель коэффициентлари:

$$\phi = F_1 \phi_1 + (1 - F_1) \phi_2, \quad \phi = \{\sigma_k, \sigma_\omega, \beta\}; \quad \sigma_{k_1} = 0.85; \quad \sigma_{\omega_1} = 0.5;$$

$$\beta_1 = 0.075; \quad \sigma_{k_2} = 1; \quad \sigma_{\omega_2} = 0.856; \quad \beta_2 = 0.0828;$$

$$\beta^* = 0.09; \quad \alpha_1 = 0.31; \quad \gamma = \frac{\beta}{\beta^*} - \frac{\sigma_\omega \kappa^2}{\sqrt{\beta^*}}; \quad \kappa = 0.41.$$


Шундай қилиб, Рейнольдс тенгламаларини ечиш имконияти яратилди.

ANSYS дастурида ҳисоблаш ишларини икки босқичда олиб борилди:

биринчи босқичда санитар сув ўтказиш иншоотининг қаралаётган соҳасини ҳозирги лойиҳавий ҳолати;

иккинчи босқичда таклиф қилинаётган кенгайиб боровчи қувур кўринишидаги схема.

Рейнольдс-Ўртача Навье-Стокс тенгламаларини чекли ҳажм усули билан ҳисобланди. Бунда муаммони ҳал этиш учун 220 минг тугун ва 110 минг элементдан иборат икки ўлчовли чекли ҳажмли тўрлар қурилди (5-расм).




**5-расм. Ҳисоблаш тўри.**

***a* – санитар сув ўтказиш иншооти дастлабки схемаси; *b* - таклиф этилаётган кенгайиб борувчи қувур схемаси**


Санитар сув ўтказиш иншоотининг узунлиги бўйича оқим тезлигининг ўзгаришини кўриб чиқилди (6 *a*, *b* расмлар). Иншоотнинг дастлабки ва таклиф этилаётган схемасидаги оқим структураси бир-биридан кескин фарқ қилмоқда.

Иншоотнинг дастлабки схемасида оқимнинг сезилари тезланиши мавжуд бўлиб, у кўндаланг кесим юзасининг торайиши натижасида юзага келади ва иншоотнинг чиқиш қисмида вертикал тезлик кузатилди. Бунда оқимнинг бир қисми иншоот кўндаланг юзасининг кенгайиши бошланган қисмида юқорига ҳаракат қилади. Таклиф этилаётган схемада, аксинча, кўндаланг кесим юзасининг кенгайиши ва шунга мос равишда умумий оқим тезлигининг пасайиши кузатилди. Натижада оқимнинг уюрмавий ҳаракати бартароф этилиб, кавитацион эрозиянинг олди олинади, оқим тезлиги эса нисбатан камаяди.

Сув ўтказиш иншоотининг дастлабки ва таклиф этилаётган схемасидаги оқим тезликлари фарқини янада аниқроқ кўриш учун иншоот маркази бўйлаб *X* ўқи бўйича чизик ўтказилди ва оқим тезлигининг ўзгаришлари графиги қурилди (7-расм, *X* ўқи бўйича чизик 5-расмда кўрсатилган).




**6-расм. *a* - умумий тезлик майдонининг кўриниши; *b* - тезлик компонентларини кўриниши.**




**7-расм. Санитар сув ўтказиш иншоотида X ўқи бўйича оқим тезлигини ўзгариши.**

Ҳисоблаш тўри. Қурилган ҳисоблаш тўри иншоот узунлиги бўйича пастки қисмида  $y +$  қиймати 1 дан ошмайди (8-расм). Ишқаланиш коэффициентини қиймати ҳам худди  $y +$  графигига мос тушади (9-расм).



**8-расм. Иншоот пастки девори бўйлаб  $y +$  ни тақсимланиши.**



**9-расм. Иншоот пастки девори бўйлаб ишқаланиш коэффициентини тақсимланиши.**

Ўтказилган соний тадқиқотлар натижалари Тўполанг санитар сув чиқариш иншоотида махсус муҳандислик тадбирлар ўтказиб, кавитация жараёнини содир бўладиган соҳаларни аниқлаш ва унинг олдини олиш бўйича ечимини аниқлаш имконини берди. Бунинг учун дала шароитида ўтказилган тадқиқотлар асосида олинган маълумотлар базасидан фойдаланилди.

## ХУЛОСА

**«Юқори оқим тезлигида вакуум шароитида ишлайдиган сув ўтказиш иншоотларининг самарадорлиги»** мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди.

1. Тўполанг сув омбори ҳақида умумий маълумотлар, иншоот тузилиши, кўп йиллик гидрологик маълумотлар таҳлил қилиниб ҳозиги кунда иншоотда мавжуд муаммолар ўрганилди. Санитар сув ўтказиш иншооти ПК4+51 дан ПК4+96,67 гача қисми кенгроқ ўрганилиб, ушбу соҳада затворлар камераси жойлашганлиги ва шунинг қувурда кескин кенгайиш, қисқариш ҳолатлари учрайди. Ҳозирда сув ўтказиш иншооти орқали максимал сув чиқарилаётганлиги сабабли оқим тезлиги чегаравий қийматдан ошиб кетиши ҳисобига кавитацион эрозия содир бўлаётганлиги аниқланди.

2. Асосий сув чиқариш иншооти энергия сўндирувчи камералари деворларида оқимнинг юқори тезлиги ҳисобига кавитацион эрозияни жадал ривожланмоқда ва бу ҳолат иншоотдан тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Бу эса ўз навбатида доимий максимал сув сарфини чиқаришга мўлжалланмаган санитар сув ўтказиш иншоотидан максимал фойдаланишни тақозо этмоқда. Ушбу ҳолат санитар сув ўтказиш иншоотида кавитацияни келтириб чиқариши аниқланди.

3. Санитар сув ўтказиш иншоотнинг қаралаётган қисми учун кавитация сони, унинг критик параметри ва нисбий кавитация босқичи аниланди. Унга кўра иншоот максимал сув ўтказиш режимида ишлаганда оқим тезлиги  $v_{\text{макс}} = 25$  м/с гача етиши оқибатида кавитациянинг жадаллашган ва суперкавитация ҳолатлари ҳисобланди.

4. Санитар сув ўтказиш иншоотини кескин  $90^\circ$  га кенгайган қисмини кенгайиб борувчи қувур кўринишда турли  $\alpha < 90^\circ$  бурчаклар учун оқим ҳаракати ўрганилди. Экспериментал тадқиқотлар кенгайиш бурчакларини критик кавитация параметрига таъсирини инобатга олиб ўтказилди ва кавитацион жараёни олдини олиш учун ушбу кенгайиш бурчагининг оптимал қийматлари аниқланди.

5. Ҳисобланган натижалар санитар сув ўтказиш иншооти қувурининг пастка ва юқорига  $90^\circ$  га кенгайган қисмидан 7,6 м масофагача қувурни кенгайиб бориш бурчагини оптимал қийматлари аниқланди. Унга кўра пастки кенгайиш бурчаги  $4^\circ$ , юқори кенгайиш бурчаги эса  $8^\circ$  га тенглиги ва ушбу кенгайиш бурчакларида нисбий кавитация босқичи пастки соҳа учун 2,8 марта, юқори соҳа учун 2,3 марта камайганлиги аниқланди.

6. Таклиф қилинаётган кенгайиб борувчи қувур схемаси қаралаётган соҳада кавитацион жараёни камайтирган бўлсада, лекин уни бутунлай бартараф этмади. Чунки кавитация жараёни фақатгина оқим йўналишида жойлашган нотекистик ўлчами, шакли ва унинг жойлашиш бурчакларидан ташқари оқим тезлигига ҳам боғлиқ. Ушбу шартларни ҳисобга олиб, иншоотда юз бераётган кавитация жараёнини олдини олиш учун оқим сарфи

$Q = 45 \text{ м}^3/\text{с}$  ва оқим тезлиги  $v_{\text{max}} = 17,02 \text{ м/с}$  чегаравий қийматлар аниқланди.

7. Юқори напорли оқим ҳаракатини математик моделлаштиришда Рейнольдс-Ўртача Навье-Стокс тенгламалари (Reynolds-Averaged Navier-Stokes RANS) тенгламаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки ҳозирда оқим ҳаракатини визуал тарзда кузатиш имконини берувчи кўплаб дастурларга ушбу тенгламлар системаси асос бўлиб хизмат қилади.

8. Қўлланилган моделда юқори оқим тезлигида ишловчи сув чиқариш иншоотларидаги нотекикликларни кавитация жараёни босқичига таъсирини ҳисобланиб, экспериментал моделда олинган натижалар билан қиёсий таққослаш мослик даражасини бериши аниқланди.

9. Ansys Fluent дастурида Тўполанг сув омбори санитар сув ўтказиш иншооти кавитация жадаллашган ботиқ соҳасини текислаш орқали кавитация жараёнини олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб амалиётга тадбиқ қилинди. Яратилган математик моделни юқори оқим тезлиги ва вакуум шароитида ишловчи барча сув чиқариш иншоотлари учун қўллаш мумкин.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ  
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ  
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»  
НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ  
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**ВОХИДОВ ОЙБЕК ФАРХОДЖОН УГЛИ**

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ВОДОПРОПУСКНЫХ СООРУЖЕНИИ  
РАБОТАЮЩИХ В УСЛОВИЯХ ВАКУУМА ПРИ БОЛЬШИХ  
СКОРОСТЯХ ПОТОКА**

**05.09.07 - Гидравлика и инженерная гидрология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2023**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2022.4.PhD/Г3405.

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tiame.uz](http://www.tiame.uz) и Информационно – образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Базаров Дилшод Райимович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Янгиев Асрор Абдихамидович</b> доктор технических наук, профессор <b>Худайкулов Совет Ишанкулович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Ташкентский архитектурно-строительный университет</b>

Защита диссертации состоится 24 ноября 2023 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, д. 39. Тел.: (+99871) 237-09-71, факс: (+99871) 237-54-79, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального исследовательского университета «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» (регистрационный номер № 234 Адрес: 100000, г.Ташкент, ул. Кары Ниязий, 39. Тел.: (+99871) 237-19-45, e-mail: [admin@tiame.uz](mailto:admin@tiame.uz)).

Автореферат диссертации разослан 06 ноября 2023 г.  
реестр протокола рассылки № 234 06 ноября 2023 г.



**Т.З.Султанов**  
Председатель научного совета по  
присуждению ученых степеней д.т.н., профессор

**Ф.А.Гаппаров**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**А.М.Арифжавов**  
Председатель научного семинара при научном совете по  
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире связи с интенсивным развитием строительства в горных и предгорных районах гидроэнергетических и гидротехнических сооружений высокого и среднего напора, работающих при больших расходах воды, весьма актуальной задачей является интенсивное гашение кинетической энергии потока в водосбросных сооружениях. Ее целью является разработка экономичных и безкавитационных элементов нижнего бьефа, обеспечивающие надёжную работу гидроэнергетических и гидротехнических сооружений в мировых масштабах. Вместе с этим традиционные методы гашения кинетической энергии потока с помощью водобойных колодцев и стенок не всегда дают решение проблемы. С этой точки зрения большое значение имеют дополнительное регулирование кинетической энергии потока с помощью энергетических гасителей, разработка оптимальных методов гашения кинетической энергии высокоскоростного потока, повышение эффективности водопроводящих сооружений, работающих в условиях вакуума при высоких скоростях потока.

Одним из важных вопросов является предотвращение кавитационных процессов в водопропускных сооружениях, работающих в условиях высоких скоростей потока и вакуума, изучение влияния пульсации давления на кавитационное течение на поверхности и донной части гасителей энергии на стадии развития кавитации. На основе проведенных учеными научных исследований по изучению кавитации было разработано несколько типов не подвергаемых или редко подвергаемых эрозии гасителей, в которых определены особенности зависимости гидродинамических нагрузок на разных стадиях кавитации. Это позволило использовать гасители различных конструкций при больших расходах на водопропускных сооружениях гидроэнергетики и гидротехнических сооружений. С этой точки зрения важным является проведение научных исследований по предотвращению кавитационных процессов, возникающих как по направлению так и против направления потока, на участках водопропускных сооружений.

В нашей республике проводятся комплексные работы, направленные на повышение надежности гидротехнических сооружений при интенсивном строительстве гидроэнергетических и гидротехнических объектов, в частности, в обеспечении населения и отраслей промышленности электроэнергией и гарантированным водоснабжением сельского хозяйства. В частности, в стратегии развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 годы, определены задачи «Реализации отдельной государственной программы по радикальному реформированию системы управления и экономии водных ресурсов»<sup>1</sup>, В Указе ПФ-6024 от 10 июля 2020 года об утверждении концепции на 2020-2030 годы, включающей «коренное усовершенствование и прозрачность системы прогнозирования, учета и формирования баз данных водных ресурсов; модернизация и развитие водохозяйственных объектов, автоматизация управления крупными

---

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

водохозяйственными объектами на основе цифровых технологий, внедрение современных технологий, позволяющих экономить электроэнергию и другие ресурсы». В реализации этих задач большое значение имеют научные исследования по повышению эффективности водопропускных сооружений, работающих в условиях высоких скоростей потока и вакуума, и совершенствованию методов расчета прочности конструкции в нижнем бьефе.

